

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

1991 **Мустақиллик куни билан!** 2017

ҚУТЛАЙМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(Кўчирма)*

Мамлакат Куролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Насиров Камилжон Жайлауевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтининг кафедра бошлиғи

«Жасорат» медали билан

Маннонов Руслан Одилжонович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Олмасор тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Каримов Шерзод Олимжонович – Давлат божхона қўмитасининг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси «Қўқон» ташкилотининг фаолият божхона пости бошлиғи

«Шуҳрат» медали билан

Аллаберганов Атабек Валиджонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ солиш методологияси бошқармаси бошлиғи

Гафуров Рустам Бахтиярович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилоти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Гофуров Абдулазиз Абдулбакиевич – Наманган вилояти Учкўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Жаметов Рашид Қидирбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Касимова Меҳринисо Кабиловна – Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори

Кенжаев Зиёдулло Жумакулович – Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

Кодиров Жамшид Абдимуротович – Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Қодиров Шуҳрат Абдирахимович – Хоразм вилояти иқтисодий суди раиси

Мадалиев Зухриддин Рамазанович – Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Тураев Адхам Акрамович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Олмасор тумани бўлими катта инспектори

Хайитов Олим Буриевич – Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Хайитов Рустам Омонович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 26 август.

*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 27.08.2017 йилдаги 170 (6864)-сонида эълон қилинган.

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар қуйидаги қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар:

➤ **«Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»**ги. Қонунда давлат органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Бунда ҳуқуқий ахборотни тарқатишни ташкил этиш, бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган ваколатли орган деб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган. Қонун билан ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг аниқ тартиби ва усуллари белгиланган. Қонун аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданиятини ошириш, мамлакатимизда қонунийлик, ижро интизомини таъминлашнинг муҳим омилига айланиши лозим;

➤ **«Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги. Глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тармоғи кенг ривожланган бир шароитда болалар соғлиғига зарар етказувчи, шунингдек, халқимизнинг ёшлар тарбияси пойдеворини ташкил этувчи маънавий асосларини емирувчи ахборотдан улар ҳимоя қилинишини таъминловчи янада самарали ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароит-

ларни шакллантириш муҳим вазифага айланди. Қонунда давлат органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари, бу фаолиятда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг механизмлари аниқ белгиланган. Мазкур Қонунга мувофиқ давлат органлари, фуқаролик институтлари, таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи этиб Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги белгиланган. Қонунда болаларга зарар етказувчи ахборот турлари таърифланган. Қонунда ахборот маҳсулотини экспертизасини ўтказиш ва болалар орасида тақиқланган ахборот маҳсулотлари реестрини юритиш шартлари, тартиби ўрнатилган. Ахборотни болалар ёшига қараб таснифлашнинг батафсил тартиби, шунингдек, уларни у ёки бу тоифага киритиш мезонлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида низоми билан белгиланади;

➤ **«Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»**ги. Қонун Вакилга соҳада назоратни амалга ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига

2-бетда

Ушбу
сонда:

Қайта режалаштиришни
қонунийлаштирса бўладими?

ХУМШ кредит олгани маъқулми?
Янги ҳисоблагич кимнинг ҳисобидан қўйилади?

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Қайнонам пропискандан
ўтказишни истамаяпти...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



шубҳасиз рия этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича кенг ваколатлар беради. Хусусан, у давлат органларининг (ташкilotларининг) қарорлари, улар мансабдор шахсларининг тadbиркорлар ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатлари устидан шикоятларни кўриб чиқади, уларнинг фаолиятини текшириш қонунийлиги устидан мониторинг ўтказади, аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат қилади, давлат органларининг мажлисларида иштирок этади, тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вакил институти Қонунга мувофиқ нафақат мамлакатимиз тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини, балки Ўзбекистон Республикасида ўз бизнесини юритаётган хорижий компаниялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш лозим. Сенаторларнинг фикрича, бу Ўзбекистоннинг инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини оширишга, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кўмаклашади.

Шу билан бирга, Қонунда Вакил томонидан кўриб чиқилмайдиган масалалар ҳам белгиланган. Тadbиркорлар ўртасидаги иқтисодий низолар, оилавий, меҳнат ва тadbиркорлик билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, шунингдек, суднинг, тезкор-қидирув фаолиятини, терговни, суриштирувни ва жазо иқросини амалга оширувчи органларнинг ваколат доирасига кирадиган масалалар шулар жумласидан;

➤ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги. Янги Қонуннинг қоидалари жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий механизмларини аниқлаштиради, бу эса мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга хизмат қилади. Қонуннинг кучи аввалгидек давлат органларига нисбатан татбиқ этилиб, балки давлат томонидан ёки унинг иштирокида ташкил этилган, Давлат бюджетдан молиялаштирилмайдиган ва фуқароларга давлат хизмат-

ларини кўрсатадиган ташкilotларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

➤ «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги. Қонун Тошкент шаҳрининг туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш учун ташкилий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради. Бу эса ҳокимиятнинг маҳаллий органлари бюджет ваколатлари амалга оширилиши устидан назоратни ўрнатишга, уларнинг мамлакатимиз пойтахти туманларини ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал қилишдаги ўрнини мустаҳкамлашга, ислохотларни рўёбга чиқаришдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади;

➤ «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги. Қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали рўёбга чиқаришга, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох қилишга кўмаклашади;

➤ «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ меҳнаткашлари жонбозлигининг, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, мамлакат гўллаб-яшилашга улар қўшаётган ҳиссасининг эътирофи этилишидир;

➤ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги. Қонун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга, халқро ҳамкорликни ривожлантиришга доир Вакилнинг вазифаларини белгилаб берувчи янги нормалар билан тўлдирилди. Вакилнинг минтақавий вакиллари фаолиятини, омбудсманнинг судлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш механизмлари аниқ таърифлаб берилди;

➤ «Суриштирув институти таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда «Тезкор-қидирув фаолияти

тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур қўшимчаларда амалда терговга қадар текширув институти таъминлайдиган суриштирув институти жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидан олиб ташлаш назарда тутилмоқда. Қонун жамиятга катта ҳавф солмайдиган жиноятлар тўғрисидаги ишларни судга қадар юртишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб беради. Қонун билан ижтимоий ҳавфли бир қанча жиноятларни ички ишлар органларидан прокуратура органлари терговига ўтказиш назарда тутилмоқда;

➤ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги. Ушбу Қонун депутатлар, Ҳукумат, Бош прокуратура ва қонунчилик ташаббусининг бошқа субъектлари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган 15 та қонун лойиҳасини бirlаштиради. Хусусан, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Меҳнат, Солиқ, Оила кодексларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, вояга етмаганлар ишлари, одам савдосига қарши курашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияларининг фаолиятида Бош прокуратуранинг мувофиқлаштирувчи ролини белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда. Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий сайтларига профилактика тadbирларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган материалларни, қонунчиликнинг ҳолати ва жиноятчиликнинг даражаси ҳақидаги маълумотларни, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларга чек қўйиш чора-тadbирлари ҳақидаги

ахборотни жойлаштириш тўғрисидаги нормалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Солиқ кодексига киритилаётган тузатишларга кўра, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар билан судга мурожаат қилганда, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

Фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилмоқда. Қонунда фуқаролар йиғини раисининг, унинг ўринбосарларининг, маслаҳатчиларининг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси раисларининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш тартиби белгилаб қўйилмоқда. «Нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунларга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкilotларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буџетмасини бериш ҳуқуқини тақдим этиш назарда тутилмоқда.

«Прокуратура тўғрисида»ги ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу тузатишларга мувофиқ турли даражадаги прокурорлар тегишли равишда ҳисоботлар тақдим этади, зарур



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 29 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни қилиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгилади.*

1 Австралия доллари	3341,34	1 Малайзия ринггити	987,30
1 Англия фунт стерлинги	5425,04	1 Польша злотийси	1181,39
1 Дания кронаси	675,09	1 СДР	5941,95
1 БАА дирҳами	1146,33	1 Туркия лираси	1222,09
1 АҚШ доллари	4210,35	1 Швейцария франки	4404,60
1 Миср ф	238,28	1 ЕВРО	4966,88
1 Испания кронаси	40,10	10 Жанубий Корея вони	37,59
1 Канада доллари	3375,57	1 Япония иенаси	385,67
1 Хитой юани	634,33	1 Россия рубли	71,18
		1 Украина гривнаси	164,82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзбў қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

УШБУ СОНДА

• ҚУТЛАЙМИЗИ

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони (Кўчирма) **1-бет**
• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ
 – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот
 – Валюталар курси **1-2, 7-бетлар**
• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
 – Квартира масаласи

– Аралашувдан ҳимоялаш – ҳаракат
 – Ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда
 – ХУМШ бадалларнинг 80%ини таъмирлашга йўналтирадilar
 – Газ ҳисоблагичлари – етказиб берувчи ҳисобидан **3-6-бетлар**
• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 – Хорижа чиқиш учун паспортлар 2019 йилдан амал қила бошлади **7-бет**
• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
 – Асосий ҳужжат
 – Ҳаммаси бир йўла қилинмади
 – Қайнонам қаршилик қияпти
 – Болани қаерда прописадан ўтказаман? **8-бет**

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бoши, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarі birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Квартира масаласи
- ✓ Аралашувдан ҳимоялаш – ҳаракат
- ✓ Ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда

- ✓ ХУМШ бадалларнинг 80%гача қисмини таъмирлашга йўналтирадилар
- ✓ Газ ҳисоблагичлари – етказиб берувчи ҳисобидан



Долзарб мавзу

Квартира масаласи

Квартирани сотиб олганда янги эгасига ўзбошимчалик билан ўзгартирилган жой мерос қолган бўлса, нима қилмоқ керак? Балкон деразаларига ойна солиш учун рухсат солиш зарурми? Ноқонуний қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги қарорни ким қабул қилади? Нима сабабдан янги кадастрда квартира майдони «катталашди», кўчмас мулкни сотиш тақиқланган-тақиқланмаганлигини қаердан билса бўлади? Шу ва бошқа саволларга жавобларни Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг (*бундан кейин – Ергеодезикадастрдавқўм, Кўмита*) Facebook даги расмий саҳифасидан топишингиз мумкин. Саҳифа фуқароларни тезкор хабардор қилиш ҳамда ердан фойдаланиш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, кўчмас мулк ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш, кўчмас мулкни инвентаризация қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида яратилган.

Кўмита фуқароларнинг Ергеодезикадастрдавқўм раиси билан реал вақт режимидаги видеоконференцалоқаси сингари интерактив мулоқот шаклини қўллай бошлади. Видеоконференцияда қатнашишни хоҳловчилар унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасидан бу ҳақдаги барча ахборотни топишлари мумкин. Идора фуқароларни очик мулоқотга, саволлар, шикоятлар ва таклифлар билан бевосита Кўмитанинг ҳудудий бўлинмаларига фаол мурожаат қилишга, ҳал этишни талаб

қиладиган масалаларни очик муҳокама қилиш имкониятидан фойдаланишга чорламоқда.

Хоналарнинг ўзгартирилиши ва реконструкция қилиниши натижасида кадастрга киритиладиган ўзгартиришларга доир кўпгина мурожаатлар Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ваколатига киради. Уларнинг долзарблигини инобатга олган ҳолда мазкур идора ҳам ижтимоий тармоқдаги мулоқотга қўшилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Ерғодезқадастрдавқум саҳифасига келиб тушаётган, мавзуйи сонимизнинг ўқувчилари бизга кўп йўллайдиган айрим мурожаатлар ва саволларга шарҳни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Квартира «катталашдимми»?



Эски кадастр ҳужжатларидаги квартира майдони Ерғодезқадастрдавқум корхонаси коммунал ва солиқ хизматларида тақдим этиладиган маълумотларга мувофиқ келмаслиги нимага боғлиқ?

Ерғодезқадастрдавқум: 1992–1993 йилларда уй-жой фонди ялпи хусусийлаштирилган вақтда хусусийлаштириш ҳужжатларида (эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордерларида) квартираларнинг умумий майдони ўша пайтда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (шаҳар ижроия кўмиталари ва туман ижроия кўмиталари) берадиган кўчиб кириш ордерлари маълумотлари асосида кўрсатилган.

1994 йилдан бошлаб квартираларга доир ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида илгари техник инвентаризация бюрolari, кейинчалик эса Ерғодезқадастрдавқум бўлимлари квартиралар майдонларини ҳисоблашда КМК 2.08.01-94 «Турар жой бинолари» билан белгиланган нормаларга риоя этганлар. Уларда назарда тутилганидек, квартиралар ва турар жой хоналарининг умумий майдонини яшаш учун мўлжалланган ва қўшимча хоналар, ичига қурилган шкафлар, ёзги хоналар ва омборхоналар майдонлари йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим. Ёзги хоналар ва омборхоналар майдонлари қуйидаги пасайтирувчи

коэффициентлар билан ҳисобланади: усти ёпилган ҳовличалар, ойна солинган иситилмайдиган ёзги хоналар ва совуқ омборхоналар учун – 0,5; қолганлари, шу жумладан қисман ёпилган террасалар учун – 0,3; очик террасалар майдони ҳисобга киритилмади.

Айни вақтда солиқ органлари ва коммунал корхоналар билан биргаликда Тошкентдаги уй-жой фондининг ҳисобини юритиш ва кўп квартиралар уйлари инвентаризация қилишда Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси квартиралар майдонларини аниқлашда ШНҚ 2.08.01-05 «Турар жой бинолари»га асосланмоқда. Уларда белгиланишича, **квартираларнинг умумий майдонини улардаги хоналар, омборхоналар, ичига қурилган шкафлар, шунингдек, ойна солинган ёзги хоналар ва совуқ омборхоналар учун – 1,0; ойнасиз пешайвонлар учун – 0,5; қаватлардаги балконлар ва террасалар учун – 0,3 пасайтирувчи коэффициентлари билан ҳисобланадиган ёзги хоналар ва совуқ омборхоналар майдонлари йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.**

Бунда ШНҚ 2.08.01-05 билан белгиланишича, пешайвон – 3 томонидан девор билан ўралган, очик ёки таши томони ойнавон, бино ҳажмидаги ёзги хона; айвон – бионинг асосий ҳажмига тақаб қурилган ойнавон ёзги хона; терраса – бинога тақаб қурилган очик ёки ёпиқ майдонча – ҳордик чиқариш учун ховлича, шу жумладан қуйи қават томида жойлашган; балкон – консолли тиркамада жойлашган фасад девори юзасидан чиқиб турадиган, тўсилган майдонча.

Ерғодезқадастрдавқум корхонасининг маълумотлар базаларидаги квартираларнинг техник тавсифларида ўзгаришлар режали тарзда киритиб борилади. Улар аниқлаштирилиши ва такроран инвентаризация қилинишига қараб солиқ органлари ва коммунал хизматларга берилади. Кўчмас мулк эгаларининг кадастр йиғмажилдларида уларнинг мурожаати асосида ўзгаришлар киритилади.



Квартирани сотиш тақиқлангани ҳақида онлайн билиб олиш мумкин

Квартира ёки уйни сотиш тақиқлангани ва ҳатлангани, уларнинг инвентаризация қўямати тўғрисидаги ахборот, майдони ва хоналари, солиқ солиш зонаси ҳақидаги ва бошқа маълумотларни фуқаролар odnookno.uz/ru/services сайтидан олишлари мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг кўчмас мулк майдонлари, инвентаризация қўяматини аниқлаштириш ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлари ҳажми ошганлиги муносабати билан кўчмас мулкнинг техник тавсифлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этувчи онлайн-ресурс ишга туширилди. ВМнинг 3.08.2016 йилдаги 251-сон қароридан назарда тутилганидек, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари инвентаризация қилинганда уларга аниқлик киритилади. Инвентаризация натижасида олинган маълумотлар кўчмас мулк объектларининг автоматик ҳисобини юритиш учун ягона маълумотлар базасига, эгаларининг кадастр йиғмажилдларида эса – улар Ерғодезқадастрдавқум тўзилмаларига мурожаат этган тақдирда киритилади.

Мавзуйи сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Ўзгартирилган уй мерос қолган


? *Квартира сотиб олгач, аввалги эгалари турар жой хонасини ўзгартирганларини, кадастр ҳужжатларига ушбу ўзгартиришларни киритмаганларини биллиб қолдик. Энди бизда муаммо юзага келмоқда. Қандай қилиб кадастр хизмати ходими квартиранинг аввалги соҳибига нотариал идорага тақдим этиладиган маълумотномани бера олган? Мавжуд вазиятда биз қандай йўл тутишимиз лозим?*

Ергеодезкадастрдавқўм: Давархитектқурилиш ҳудудий органлариغا мурожаат қилиб, тегишли хулоса (ўзгартириш киритиш мумкин эдими, у шахарсозлик нормаларини бузмайдими) олишингиз зарур. Хулоса асосида судга мурожаат қилиш керак, у реконструкция қилиш (ўзгартириш) қонунийлиги масаласини кўриб чиқади. Агар суд уни қонуний деб топса, ушбу ҳал қилув қарорига асосан кадастр йўғмажилдида қилинган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлади.

Нима учун кадастр хизмати ходими жойга чиқмай туриб нотариал идора учун ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотномани берган, деган савол туғилиши табиий. Ё квартира соҳибининг сўзига ишонган, ёхуд коррупция ҳолати юз берган. Ергеодезкадастрдавқўм

ҳодимлари пора олиши далилига тўқнаш келсангиз, бу ҳақда **1097 ишонч телефони** орқали хабар беришингиз мумкинлигига эътибор қаратмоқчимиз. Инсон омилини иложи борида чеклаш мақсадида айти пайтда кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни рўйхатдан ўтказиш тизимини автоматлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳалаштириш ва конструкциялаш, шахарсозлик қоидалари ва нормаларига риоя этиш, шунингдек бинолар ва хоналарни ўзгартириш ва реконструкция қилишга тааллуқли масалалар Ергеодезкадастрдавқўм ваколатига кирмайди. Кадастр хизматининг иши ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар асосида кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва кўчмас мулкка доир ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишдан иборат.



Уй-жой сотиб олиш олдида квартиранинг реал режаси кадастр йўғмажилдида кўрсатилган режага мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинг.

Таҳририятдан: Уй-жойларнинг янги соҳибларига аввалги эгаларидан кадастр ҳужжатларида қайд этилмаган (демак, ноқонуний) ўзгартириш мерос қолган ҳолатлар жуда кўп учрайди. Бундан янги мулкдорлар ютқизади. Хотиржам яшаш ўрнига идорама-идора қатнашларида, судларда тушунтириш беришларида, эҳтимол, аввалги мулкдорларнинг ҳаттоларини тузатишларида тўғри келади. Бунга вақтлари, саломатликлари, анча маблагларини кетказишлари. Бунда нотариал идорага сохта маълумотнома берган кадастр хизматлари ҳодимларининг айби бор, албатта. Ергеодезкадастрдавқўм бундай вазиятларда чора қилиш учун фуқароларни ишонч телефони орқали мурожаат этишга ундайди.

Аслида квартирани расмийлаштиришдан олдин харидор уни кўришга келган, барча ўзгартиришларни ўз кўзи билан кўрган бўлади. Гап шундаки, кўпчилик кадастр ҳужжатларини реал ҳолат билан таққослаб кўриш кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Охир-оқибат, беҳабарлиги ва безъятиборлиги унга қимматга тушади.

Харидор квартирадаги ўзгартиришларни кадастр билан қўйиштиришга ақли етиб, улар қайд этилмаганини кўрди, бироқ шу квартирани олишдан манфаатдор, дейлик. Бунда ўзгартиришни қонунийлаштиришга сарфлайдиган харажатларини қоплаш учун нархни камайтиришни талаб қилиш имконига эва бўлади.

Ноқонуний қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги қарорни ким қабул қилади?

? *Ҳоким эгалари белгиланган тартибда расмийлаштирмаган иморатларни бузиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақими?*

Ергеодезкадастрдавқўм: Фуқаролар шахарсозлик нормалари ва қоидаларини мунтазам равишда бузишлари сабабли ВМнинг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шахарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (12.02.2009 йилдаги 41-сон) қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси республика миқтақалари бўйича ишчи гуруҳлари

билан ташкил этилган. Айти пайтда ушбу қарорни амалга ошириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Комиссия раиси ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олиншини бартараф этиш ва ноқонуний қурилган иморатларни бузиш зарурати ҳақида ҳуқуқбузарларга хабарномалар (талабномалар) йўллайди. Хабарномалар эътиборсиз қолдирилса, кейинги қадам – ҳокимнинг объектни бузиш тўғрисидаги қарори чиқарилади. Бу ҳам қор қилмаса (ҳокимнинг қарори ижро этилмаса) низо суд тартибиде ҳал қилинади.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Балконга ойна солишга рухсатнома талаб қилинадими?



Балкон деразасига ойна солмоқчиман. Бунинг учун рухсатнома талаб этиладими?

Максим Черников, Facebook даги «ТЧСЖ и как с ним жить» («ХУМШ ва у билан қандай яшаш мумкин») гуруҳи модератори: Балконлар деразаларига ойна солинганда уй фасадининг ташқи кўриниши ўзгаради. Ушбу масала Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келиши тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 9.03.2016 йилдаги 70-сон қарорига 1-илова) билан тартибга солинган.

Агар бино ва иншоотлар шаҳар ва туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар (аҳоли пунктлари доирасида), халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари бўйлаб жойлашган бўлса, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келиши талаб этилади.

Посёлкаларда жойлашган, туманларнинг маъмурий марказлари ҳисобланмаган, қишлоқ аҳоли пунктларида (қишлоқлар, овуллар) ва аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган бино ва

иншоотлар бўйича бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келиши керак эмас.

Халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари, шаҳар ва туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар (аҳоли пунктлари доирасида) рўйхати ваколатли орган томонидан йўллардан фойдаланиш ташкилотлари билан келишувга кўра ҳар йили янгиланган ҳолда (ҳар йили 10 январгача) Давархитектурилишга унинг Интернет тармоғидаги расмий сайтида жойлаштириш учун, шунингдек «ягона дарча» принципи бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш марказларига уларнинг электрон таблосида жойлаштириш учун тақдим этилади (Низомнинг 4-банди).

Хулоса шуки: агар кўп квартиралли уй йўл бўйида эмас, мавзё ичида жойлашган бўлса, унинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келиши талаб этилмайди.



ХУМШ: муаммолар ва амалиёт

Аралашувдан ҳимоялаш – ҳаракат



Яқинда «Биз яшайдиган уй» мавзусидаги сонида ҳокимликлар ширкатларга ишларни бажариш ва кредитлар олишга мажбурлаётганликлари ҳақидаги мақола чоп этилган эди. Бизда ҳам вазият худди шундай. Мен Чилонзор-8, 54-уйда яшайман. Бир кун уйимиз йўлагиде эски ромларни олиб ташлаб, янги, пластик ромларни ўрнатаётганларини кўрдим. Бундан ҳайратланиб, тушунтириш беришини сўраб ХУМШ раисига мурожаат қилдим. Қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек, уй аҳли умумий йиғилишда пластик ромлар ўрнатиш масаласини муҳокама қилганини, бунинг учун овоз берганини эслай олмайдим дедим. Уйимиз учун бу бирламчи муаммо эмаску? Раиснинг тушунтиришича, бунинг ҳокимлик талаб қилаётган экан. ХУМШда бу ишни бажаришга маблағ йўқ, шу сабабли ширкатни салкам мажбурлаган ҳолда кредит олишга кўндираётган эканлар.

Бундан ташқари, йўлаклар, соябонларни таъмирлаш, ҳар бир йўлак олдида ахлатдон кўйиш, ҳудудни ободонлаштиришга доир бошқа ишларни бажариш режалаштирилган. Бу ишларнинг бари маъқул, албатта. Бироқ, уй учун қандай ишларни бажариш кераклигини бизнинг ўрнимизга ҳокимликдагилар ҳал этиши керак эмас – зеро пул бизники.

Бутун уйни айланиб чиқиб, бу ишларни бажаришга розилик билдирган биронта мулкдорни топмадим. Бунинг устига, аксарият мулкдорлар бу ишлар ўз пулимизга қилинаётганидан беҳабарлар. Улар буларнинг бари биз учун бепул, давлат маблағлари ҳисобидан қилинаётганлигига амин эканлар.

Эҳтиомол, ХУМШ раҳбарлари аҳолини вазиятдан хабардор қилиши мумкин эди. Тўғри, ширкат раисининг ёлғиз ўзи бунинг уйда бўлиб олмайдиган бўлса, бироқ бошқарув, уйбошилар, йўлакбошилар бор. Мен раис устидан шикоят қилмаётиман – бу мушкул ва биров миннатдор бўлмайдиган иш. Аксинча, уни четдаги босимдан ҳимояламоқчиман.

Уй бежирим кўринганига нима етсин. Аммо, унда қуеурлар тешишган, ертўласини сув босган, йўлаклар чивинга тўла бўлса-чи... Болалар майдончалари аянчли аҳволда, ариқлар ахлатга тўлган, ёмғирдан кейин ҳамма ёқни сув босади... Бундай вазиятда пластик ромлар ўрнатиш устувор вазифа бўла оладими?

Йўлакларда кодли кўлф ўрнатиш учун кредит ҳам шундай буйруқ тартибидеда олинган эди. Оқибатда нима бўлди? Ҳамма эшиклар ланг очилиб ётибди. Сабаби болалар у ёқдан бу ёққа кириб чиқаверадилар, эшикни ёпишдан фойда йўқ. Беҳудага пул сарфлангани қолди.

Яни бир жиҳат. Йўлакни таъмирлаётган ишчилар бу ишларни бажарувчи фирма номини ҳам, на телефони, на бошқа координатларини айти олмадилар. Улар четдан келган тасофидий кишилар кўринади, уларнинг малакаси ҳақида гапиришининг ўрни йўқ. Ҳозир бутун даҳадаги йўлаклар ётпасига таъмирланмоқда. Кимдир аҳолига эмас, балки ўзига наф келтирадиган ишни бажаришга ширкатни мажбурлаётгандек таассурот ҳосил бўлаяпти. Ахир ширкатларнинг ишига аралашш – белгиланган қонун ҳужжатларини бузиш саналади. Бу кимга фойда келтираяпти? Бунга қандай тўсқинлик қилиш мумкин?

О.Горбунова.

Мавзуйи сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Дод десангиз ҳам, фойдаси бўлмаса-чи?

Кирган кишининг бахри-дили очиладиган уйда яшаш уй аҳлининг ўзига маъқул келишига аминмиз. Бундан аввало шахсан улар манфаатдор бўлишлари ва уйлари яхшилаш учун саъй-ҳаракат қилишлари лозим. Акс ҳолда уй ҳўжалиги бошқаруви ва аҳоли бепарволик қилса, бу ҳақда бошқа тузилмалар қайғурдилар.

Мурожаат муаллифи саволларига қисман ўзи жавоб берган. Агар пластик ромлар, домофонлар ўрнатиш, бошқа ишлар, шунингдек уларни бажариш учун кредитлардан фойдаланиш ширкат аъзоларини хабардор қилмай, ушбу масалалар умумий йиғилишда тасдиқланмай амалга оширилаётган бўлса, демак, бунинг бари қонунга зид, ХУМШ раиси ҳам, бошқарув, уйбошилар ва йўлақбошилар ўз вазифаларини уddалай олмаётганлар.

Келинг, шунинг тан олайлик: кўпинча ХУМШ ишларига четдаги тузилмалар аралашishiга олиб келадиغان вазиятнинг ўзимиз юзига келтирамиз. Ҳаракатсизлигимиз, бепарволигимиз, ҳуқуқни билмаслигимиз, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида оддий тасаввурга ҳам эга эмаслигимиз бунга замин яратади. Одатда босимга қарши чиқа олмайдиغان, фаол позицияга эга бўлмаган, ўз уйи ва шахсий маблағларини сақлашни ширкатга ишониб топширган мулкдорларни ҳимоя қила олмайдиغان, қонун ҳужжатларини билмайдиغان, унинг бузилишига йўл қўядиганларга зугум қиладилар. Хусусийлаштириш давридан буён камда чорак аср ўтди, кўп қаватли уйлар аҳоли эса кимнинг ҳисобидан ромлар алмаштирилаётгани, домофонлар ўрнатилаётгани ва бошқа ишлар қилинаётганидан ҳанузгача беҳабар. Демак, уйда ким нима учун жавоб беришни квартиралар мулкдорларига тушунтира олмаган раисни, бошқарув аъзоларини алмаштириш керак.

ХУМШ ишларига аралашishiга қарши энг таъсирчан чора — тўғриси, сергайрат, билимдон, ширкат аъзоларининг ман-

фаатларини кўзлайдиغان раис, фаол бошқарув ва уларни қўлаб-қувватловчи, бадалларни ўз вақтида тўловчи, маблағлари нималарга сарфланаётгани билан қизиқувчи уй аҳоли. Бундай ХУМШ уй ҳўжалигини ўзи эплайди ва ташқаридан ишларига ноқонуний аралашishiга доим қарши туриш имконини топади. Агар ҳаммаси бунинг буткул тескариси бўлса, дод десангиз ҳам фойдаси бўлмаса-чи? Ана шунда ўша ҳокимлик, бошқа тузилмалар вазиятга таъсир ўтказишлари, уни яхши томонга ўзгатиришлари мумкин.

Кредитларга келсак, уларни ҳамма ҳам ёмон қарши олмайди. Кўпгина ХУМШ учун улар вазиятдан чиқиш йўли ҳисобланади. Зеро серхарж ишларни бажариш учун бир неча йил маблағ жамлашга тўғри келади. Бироқ қандай ишларга кредит олиш-олмаслик ҳақидаги қарорни бегона кишилар эмас, балки қонун ҳужжатларида белгиланганидек, мулкдорлар жамоаси қабул қилиши шарт.



Раисга маслаҳат

Агар ширкат уй ҳўжалигини сақлаш вазифасини уddалаётган бўлса, турли тузилмаларнинг ХУМШ ишларига ноқонуний аралашувига қандай қилиб қарши туриш мумкин?

1. ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида уй учун тавсия этилаётган ишларни бажариш, бунинг учун кредит маблағларидан фойдаланиш заруратини муҳокама қилиш лозим. Умумий йиғилиш баённомасида ушбу масала юзасидан мулкдорларнинг қарорини қайд этиш керак.

2. Агар ХУМШ аъзолари тавсияларга қарши овоз берган бўлсалар, уларни бераётган тузилмага умумий йиғилиш қарори баённомасини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиш керак.

Баённома ёки аризада ХУМШ аъзолари тавсия этилаётган ишларни айни пайтда амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблашларини (бошқа устувор вазифалар мавжуд; таклиф қилинаётган ишлар бирламчи аҳамият касб этмайди, ХУМШ маблағлари ҳисобига кейинчалик бажарилиши режалаштирилган ва ҳ.к.) асослаб бериш лозим.

3. Капитал таъмирлаш доирасида ХУМШ қанча ҳажмдаги ишларни бажарганини, қандай маблағлар ҳисобига яна нималар қилишни мўлжаллаётганини, ширкатнинг молиявий имкониятлари қандайлигини кўрсатиб, рад жавобини асосланг.

4. Агар бу иш бермай, тавсиялар келишда давом этса, маскур ташкилот вакили қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида ширкатга талаб қўяётганини сўраб, ёзма равишда мурожаат қилинг.

5. Турли тузилмалар вакилларининг қатъий таклифлар билдиришидан чарчаган ширкат аъзолари ташриф дафтари юришти амалиёти мавжуд. ХУМШ ишларига аралашганда раис фамилияси, иш жойи, гувоҳнома рақами, келишдан мақсадни журналда қайд этиб, имзо қўйишни талаб қилади. Ширкатга буйруқ бериш истагини билдирганлар сони анча камайган.

6. ХУМШ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда прокуратура, судга мурожаат қилиши мумкин.

Мавзуй сонни махсус мухбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

Маълумот учун!

УЖКХни ислоҳ қилиш доирасида навбатдаги 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондиди таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури бўсағасида турибмиз. У Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан тасдиқланган ва қўйидагиларни ўз ичига олган:

1. Кўп хонадонли уй-жой фондиди умумий фойдаланиладиган жойларини мукамал ва жорий таъмирлаш параметрлари. Улар том, йўлаклар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари, фасад таъмирланишини назарда тутати. Молиялаштириш манбалари – тижорат банклари кредитлари, ХУМШнинг махсус банк ҳисобварақларида алоҳида тўпланадиган ўз маблағлари.

2. Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш параметрлари. Улар болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, ирригацион тармоқларни таъмирлаш, йўлларни бетонлаш, ташқи ёртишни таъмирлашни ўз ичига олади. Молиялаштириш манбалари – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

3. Кўп хонадонли уй-жой фондиди лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш параметрлари. Молиялаштириш манбалари – ХУМШнинг ўз маблағлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан.

Дастурнинг амалга оширилиши юзасидан кўп саволлар юзга келади, албатта. Унинг биринчи ўриндаги таркибий қисми – фақат ХУМШ, яъни аҳоли маблағларидан иборат. Турар жойлар қандай мезонларга кўра Дастурга киритилади? Ўйларнинг техник ҳолати мониторинг қилинадими, устувор вазифалар белгиланадими, ХУМШ фикри инобатга олинадими? Зеро ширкатларнинг бир қисми, шу жумладан кредитлар ҳисобидан капитал таъмирлашни бажариб бўлган.

Кўп хонадонли уй-жой фондиди сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришга доир ҳужжатларда давлат бошқаруви қучатирилишига ургу берилмоқда. Уларда назарда тутилган УЖКХни бошқаришнинг вертикал тизимини яратиш чора-тадбирлари амалда ўз ўрнини топишни вақт кўрсатади. Уй-жой-коммунал соҳадаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари асосий конституцион ҳуқуқлардан бири – ҳусусий мулк ҳуқуқини бузмаган ҳолда қўлланади ва турар жойлар мулкдорларининг уй-жойни бошқариш ҳуқуқларини амалга оширишларига тўсқинлик қилмайди деб умид қиламиз.

Ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда



ХУМШнинг ҳокимликлар ва маҳалла кўмиталари билан муносабатлари қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

А.Ҳақимов.

ХУМШнинг ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари доиралари қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

1. ХУМШ – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ХУМШлар билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, **ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда** ташкил этилади («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

Давлат ширкатларнинг ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари таъминланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатлайди, ХУМШларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига қўмаклашади.

Ширкатлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- уй-жой соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан стандартлар қабул қилиш;
- коммунал хизматларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

➢ уй-жой-коммунал соҳасида хизматлар кўрсатишда рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

➢ имтиёзлар ва кредитлар бериш;

➢ таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет осудалари бериш;

➢ кўп квартиралы уйлари сақлаш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш;

➢ доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер устакалари бериш;

➢ алоҳида дастурлар қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар қўриш (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддаси).

Шу жумладан, бошқарув раиси ва бошқарувчи (ижрочи директор) ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бошқарув раисини чақириб олиш ҳамда бошқарувчини (ижрочи директори) лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларини, шунингдек ана шу лавозимларга номзодлар бўйича тавсияларини қўриб чиқиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига киради (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси).

Ширкат қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган тақдирда ХУМШ аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қақирилиши мумкин (*ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддаси*).

Уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдирномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилади (*«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси*).

2. ХУМШ – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Ширкатлар ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ташкил этилиши, кўп квартиралли уйлارда яшовчиларнинг уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиши масалалари ҳамда биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган бошқа масалаларда **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади** (*ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддаси*).

Фуқаролар йиғини:

➤ ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш, кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда, шунингдек коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилди;

➤ коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳов-

лиларни намунали сақлашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишда ХУМШга кўмаклашади;

➤ иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади (*«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси*).

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

➤ тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар, спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, дафн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган моддий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағларидан фойдаланади, жамоатчилик ёрдамини (хашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказиши;

➤ иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиши;

➤ уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

➤ фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида, ҳисоб-китобини банклар орқали амалга оширган ҳолда тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари органларининг ходимларини рағбатлантириш учун, шунингдек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид ишларни ўтказишга ишлатади (*«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси*).



Қонунчиликдаги янгиликлар

ХУМШ бадалларнинг 80%ини таъмирлашга йўналтирадилар

Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2017 йилдаги 570-сон қарори билан Кўп квартиралли уйлارни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағлар тўплаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Ҳужжатда белгиланишича, кўп квартиралли уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун ХУМШ хизмат кўрсатувчи банкларда «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамғарма депозитлари» (бундан кейин – *тўплаш ҳисобварағи*) очадилар.

Уларга қуйидаги маблағлар келиб тушади:

а) турар ва нотурар жой мулкдорларининг мажбурий бадалларидан шаклланган маблағлар;

б) кўп квартиралли уйларнинг ташқи фасади, том ва ертўла

қисмлари ҳамда бошқа ижарага берилган майдонлар учун ижарачилардан келиб тушадиган маблағлар;

в) умумий фойдаланиш жойлари ва муҳандислик коммуникацияларини капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш учун маҳаллий бюджетлар маблағлари (шу жумладан йил бошидаги қолдиқ бўш маблағлар ва I–III чорак якунлари бўйича ошириб бажарилган даромад қисми), шунингдек Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини

ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан жалб қилинадиган бюджетдан ташқари маблағлар;

г) кўп квартирали уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун юридик ва jisмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

д) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

Бунда капитал ва жорий таъмирлаш учун ҳар бир ХУМШ бўйича аниқ ажратмалар меъёри кўп квартирали уйнинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда 2 та манба – мулкдорларнинг мажбурий бадаллари ва ижарачиларнинг маблағларидан келиб чиқиб 30%дан 80%гача миқдорда белгиланади. Меъёр Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлими билан, агар таъмирлаш кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилса, тижорат банки билан ҳам келишилган ҳолда белгиланади. Меъёр ХУМШнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

Тўплаш ҳисобварағига белгиланган меъёрлардан ортиқ келиб тушган ушбу маблағлар банк томонидан ХУМШнинг асосий ҳисобварағига мемориал ордер орқали ўтказилади ва ширкат томонидан мустақил равишда тасарруф этилади. Қолган манбалардан тушадиган маблағлар бевосита тўплаш ҳисобварағига ўтказилади ва ХУМШнинг асосий ҳисобварағига ажратма қилинмайди.

Маълумот учун. ХУМШ кўп квартирали уйнинг ҳар бир квартирасига шахсий ҳисобварақ очади. Шахсий ҳисобварақда ХУМШ номи, кўп квартирали уй рақами, квартира рақами ва уй-жой мулкдори шахси тўғрисидаги маълумотлар, тўланган маблағлар суммаси, сарфланган маблағлар суммаси ва қолдиқ сумма кўрсатилади.

Тўплаш ҳисобварағидан қуйидаги харажатлар амалга оширилишига рухсат этилади:

а) кўп квартирали уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун пудрат ташкилотлари – «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК ва бошқа пудрат ташкилотларига тўловларни амалга ошириш;

б) кўп квартирали уйларни капитал ва жорий таъмирлаш мақсадида олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш.

Маълумот учун. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида ташкил этилган Ягона ҳисоб-китоб марказлари томонидан ХУМШга бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматларни кўрсатиш ва мажбурий бадаллар йиғиш бўйича кўрсатиш хизматлари учун тўловлар ширкатнинг асосий ҳисобварағидан амалга оширилади.

Тўплаш ҳисобварағига ўтказилган ва йил охиригача фойдаланилмаган маблағлар ҳисобварақда жамланади ва олиб қўйилмайди.

Пудрат ташкилотлари ХУМШдан маблағларни «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» ҳисобварағига кириш қиладилар, улардан фақат мақсадли равишда фойдаланадилар, бироқ бошқа мақсадларга сарфлашга рухсат этилмайди.

Пудрат ишлари бажарилганда кейин ихтисослаштирилган ташкилотлар назорат ўлчовларини амалга оширадилар. Бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати ошириб ёзилганлиги аниқланган тақдирда, ортиқча олинган маблағлар пудратчидан ундирилади. Аниқланган ошириб ёзишлар учун жавобгарлик эса қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

ХУМШ тугатилган ёки кўп квартирали уйлар бузиб ташланган тақдирда, тўплаш ҳисобварағида йиғилган ва фойдаланилмаган маблағлар ХУМШнинг умумий йиғилиши қарорига асосан уларнинг аъзоларига, улушларига мутаносиб равишда қайтариб берилади.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.



Таҳририят почтасидан

Газ ҳисоблагичлари – етказиб берувчи ҳисобидан



Газ ускунасини текшириш чоғида тумангаз вакили электрон ҳисоблагич ўрнатишимиз шартлигини тайинлади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ газни ҳисоблаш замонавий ускуналари етказиб берувчинини ҳисобидан ўрнатилиши кераклигини айтганимда, эътироз билдириб: «Фақат истеъмолчи ҳисобидан ўрнатилади» деди. Аслида қандай бўлиши керак? Бу ҳусусда қандай ҳужжатлар мавжуд?

А.Илюшкина.

– Эслатиб ўтамиз, аввалбошдан Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2907-сон қарори 5-банди 4-хатбошида маиший истеъмолчиларга табиий газни ҳисоблаш замонавий электрон ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш «Ўзтрансгаз» АҚнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, кейинчалик газ ҳисоблагичлари қийматини истеъмолчилар бир йил ичда тўлаши назарда тутилган эди. Яъни – истеъмолчилар ҳисобидан.

Бироқ Президентнинг 15.06.2017 йилдаги ПҚ-3060-сон қарори 6-бандига кўра, ушбу хатбоши янги тақдирда баён этилган:

«маиший истеъмолчиларга табиий газни ҳисоблаш замонавий электрон ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш ва кейинчалик хизмат кўрсатиш «Ўзтрансгаз» АҚнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

Бундан ташқари, 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб табиий газни ҳисоблаш ускуналари бўлмаган маиший истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш, табиий газга белгиланган тариф миқдорининг икки баробари қўлланилган ҳолда амалга оширилишини белгилловчи талаб ПҚ-2907-сон қарордан чиқариб ташланган.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2-бетда
холларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати тўғрисида хабардор қилади.

Қонун билан прокурорларнинг ҳисоботларини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлиналари раҳбарларининг ҳисоботларини, соғлиқни сақлаш бошқармаси органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига киритилди.

Тузатишларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисоботлар тақдим этиш тизими жорий этилмоқда.

«Банкротлик тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

➤ Мажлисида сенаторлар Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тўйтепа шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, шунингдек, Тўйтепа шаҳрини Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб белгилаш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл туманининг чегараларини ўзгартириш, шу-

нингдек, Янгийўл шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон туманининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Оҳангарон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Мамлакат ҳукумати томонидан киритилган ушбу таклифларнинг маъқулланиши Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга, ҳудудларни самарали бошқаришга, аҳоли учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қўмаклашади, туризм соҳасининг ривожланишига туртки беради.

➤ Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрининг номини ўзгартириш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиш якунлари бўйича Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрини Нурафшон шаҳри деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бир қатор судьяларини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди;

➤ Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг одоби қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет

ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раисини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари таркибига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди;

➤ «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибига кирмайдиган корхоналар темир йўллари сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, ушбу корхоналарда темир йўл орқали ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, бошқа маданий-кўнгилочар масканларда ўрнатилган юқори технологияли аттракционлардан фойдаланувчи-

ларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан йўлга қўйилган давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Ариповга юборилган парламент сўрови натижалари бўйича ахборотни ҳам муҳофаза қилдилар.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан 148 та маданият ва истироҳат боғининг ҳолати ўрганилди. Маданият ва истироҳат боғларида ишлаб турган 1 758 та аттракцион ва ўйин қурilmаси улардан фойдаланишда хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан текширилди.

Жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш натижаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур объектлардан хавфсиз фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги ягона давлат назорати самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган 27 та масала, шу жумладан, 10 та қонун (шундан 6 таси янги қонун) кўриб чиқилди. Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилли бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати материали асосида.

Хорижга чиқиш учун паспортлар 2019 йилдан амал қила бошлайди

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (16.08.2017 йилдаги ПФ-5156-сон) имзоланди.

Фармонга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинади. Ушбу санадан бошлаб Ўзбекистон фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти (хорижий паспорт) жорий этилади.

Бунда 2021 йилнинг 1 январига қадар кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайди давлатлар

ҳудудига амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортдан фойдаланган ҳолда чиқиш мумкин. Агар кириш визаси талаб этилса, ундаги стикернинг амал қилиш муддати тугагунга қадар бошқа давлатга чиқиш мумкин.

Паспортнинг амал қилиш муддати тугагунча кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайди давлатларда бўлиш ва ушбу давлат-

лар ўртасида ҳаракатланиш мумкин. Кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган мамлакатларда ҳам худди шундай қоида амал қилади. Бироқ фуқаро кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайди давлатда бўлиб турган, бироқ виза талаб этиладиган мамлакатга чиқишни мўлжал қилаётган бўлса, стикернинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг биометрик паспортни расмийлаштириши лозим.

Хорижга чиқиш учун биометрик паспортларни ИИВнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлима-

лари, ТИВнинг Консуллик бошқармаси ва мамлакатимизнинг хориждаги консуллик муассасалари расмийлаштирадilar. Хорижга чиқиш учун биометрик паспортларни персоналлаштиришни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази амалга оширади.

Кейинги йилнинг 1 декабригача замонавий АКТ қўлланилган ҳолда, хорижга чиқиш учун биометрик паспортларни расмийлаштириш ва бериш тизими ишлаб чиқиши ва жорий этилиши зарур.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Эълон ва реклама

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти оубначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59

телефони орқали (шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уқли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мўмкин. Ҳафтаини 5 кўни давомиди соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлнк вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

NORMA

электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробот тумани. Таттичаржон кўч. 1/1.
Тел: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz.
web: www.norma.uz

Асосий ҳужжат

Мен Қозоғистон фуқаросиман, турмуш ўртоғим эса – Ўзбекистон фуқароси. Тошкентда туғилган ўғлимиз яқинда 16 ёшга тўлади. У Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини оладими?

Р.Оспанов. Тошкент ш.

– Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ҳолларда, агар бола унинг ҳудудида туғилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Шу тариқа, 16 ёшга тўлиши билан фарзандингиз яшаш жойидаги паспорт столида Ўзбекистон фуқароси паспортини олиши керак.

Ҳаммаси бир йўла қилинмайди

Мен Фарғонаданман, 2007 йилда Тошкент вилоятида прописка қилинганман. Ўз квартирам бор. Уни онамга мулк қилиб бермоқчиман. Агар у Фарғона вилоятида прописка қилинган бўлса, бунни қандай амалга оширишим мумкин? Уни прописадан ўтказиб, шу заҳоти квартирани унинг номига қайта расмийлаштириб бера оламизми?

Р.Эгамбердиева. Тошкент ш.

– «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар доимий прописка қилинган шахсларнинг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари уларнинг турар жой майдонида доимий прописка қилинади (Низомнинг 7-1-банди, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Тошкент вилоятида олди-сотди битимларини, алмаштириш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳада қилишни, шунингдек Тошкент вилоятидаги турар жой ёҳуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (кўчмас мулкнинг бир қисмидан) воз кечиш ва кўчмас мулкни ўзгага беришнинг бошқа усулларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

➤ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописакка эга бўлган;

➤ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида 3 йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органининг доимий прописакси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса (Низомнинг 9-банди).

Агар Қонун кучга киргунга қадар (15.09.2011 йилгача) доимий прописка қилинган бўлсангиз, Рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ онангизни доимий прописка қилдирга olasiz. У Тошкент вилоятида камида 3 йил доимий яшаганлиги ҳақида нотариал идорага маълумотнома тақдим этгандан кейингина квартирани онангиз номига қайта расмийлаштира olasiz.

Қайнонам қаршилиқ қияпти

Қайнонам ўз квартирасида (Чирчиқ ш.) турмуш ўртоғим ва қизимни прописадан ўтказган. Мени прописадан ўтказишни истамаяпти. Ҳолбуки ўз ҳисобимдан уни таъмирлаганман, барча коммунал хизматлар ҳақини тўлаб келаман. Мен Фарғонада прописка қилинганман. Қандай қилиб Чирчиқда прописадан ўтишим мумкин? Ажрашганимдан кейин қизимни прописадан чиқариб юборишадими? Ушбу вазиятда қандай ҳуқуққа эгаман?

Светлана Г.

– Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 5-бандига мувофиқ, эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида 1 йил биргаликда яшаётган бўлса, доимий прописка қилинади.

Фуқаролар ИИББга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- паспорт;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- эр-хотиннинг ҳақиқатда бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан ва ИИО профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камида 1 йил биргаликда яшаётганлиги тўғрисида маълумотнома;
- давлат бож тўланганлиги тўғрисидаги қвтанция (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 8-банди).

Қайнонангизга тегишли квартирани таъмирлаган ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаб келётган бўлсангиз ҳам, сизга турар жой майдони бериши тўғрисидаги ёзма розилигисиз Чирчиқ шаҳар паспорт столида доимий прописадан ўтказга олмайди.

Фарзандингизга келсак, ҳар бир бола турар жойи бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар, улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади («Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси).

Агар қизингиз қайнонангизнинг ёзма розилиги би-

лан унга тегишли бўлган турар жойда ўз отаси билан доимий прописадан ўтказилган бўлса, у эрингиз билан ажрашганингизда болани прописадан чиқариш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Болани қаерда прописадан ўтказаман?

1. Болани прописадан ўтказиш зарур бўлган муддат мавжудми?
2. Болани ўз вақтида прописадан ўтказмаганлик учун жарима солинадими?
3. Агар турар жой мулкдори бўлмаса (отам вафот этган, мен униқиди прописка қилинганман), ўзим прописка қилинган жойда болани прописадан ўтказишим мумкинми?
4. Мен ва болам квартира мулкдорининг розилигисиз эрим прописка қилинган жойда прописадан ўта оламизми?

Н.Паняшина.

1 Паспорт хизмати фаолиятини тартибга солишчи норматив ҳужжатларда вояга етмаган болани яшаш жойида прописадан ўтказиш муддати қайд этилган. Бироқ у туғилганидан кейин рўйхатдан ўтказиш картчасига (квартира картчаси, уй дафтари) у ҳақдаги маълумотларни қайд этиш мажбурий.

Болаларни рўйхатдан ўтказиш туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича улар ҳақидаги маълумотларни уй дафтарларига (рўйхатдан ўтказиш картчаларига) киритиш орқали амалга оширилади (Низомнинг 40-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-шлова).

Туғилган болалар ҳақидаги маълумотлар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ёҳуд ота-онасининг паспортларидаги улар ҳақидаги маълумотлар асосида ота-онасидан бирининг рўйхатдан ўтказиш картчаси, шунингдек квартира картчасига киритилади (Тартибнинг 11-банди, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 48-бандига 26-шлова).

2 Ёш болани ўз вақтида прописка қилмаганлик учун махсус жарима санкциялари назарда тутилган. Бироқ фуқаронинг вақтинча ёки доимий прописаксиз ёҳуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаши ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 3 барава-ригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини ёдда тутиш лозим (МЖТКнинг 223-моддаси).

3 Отангизнинг вафотидан кейин қолган квартирага доир мерос масаласини ҳал этгандан сўнг прописка қилинган жойингизда болани рўйхатдан ўтказга olasiz.

4 Фақат уй эгасининг ёзма розилиги асосида эрингизникида болангиз билан прописадан ўта olasiz.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

«GULSHANTEXSERVIS» МЧЖ официантлар, ошпазлар, сартарошлар, ишчилар учун иш қиймлари ва иш формаларини таклиф этади. Арзон нархларда. Юқори сифатли. Тел.: (+998 99) 855-97-82, (+998 97) 706-13-72.

Шайхонтохур туман ДСИ томонидан Я.Т.Т. Шарифходжаев Сағдиходжа Иркинович номига берилган Чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлари ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги муносабати билан ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ҲИСОБЛАНДИН.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: zbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терғиди ва саҳифаланди.
Нашр қўрагани – 186. Қўраг бичими – А3. Ҳажми – 2 бошқа табос. Баҳои кўчирилган нархда.
Бўжурма 1117. Ақалди 1 090. Газета 2017 йил 29 август соат 20.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
отказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.